

Термиз туманида жорий йилнинг 5 ойи давомида 216 та никоҳ, 45 та ажрашиш ҳолатлари қайд этилган



Куни-кеча туман ҳокимлигида оилаларда қадриятларни мустаҳкамлаш, оилавий низоларнинг олдини олиш, ажрим ёқасига келиб қолган оилалар билан индивидуал ишлаган ҳолда уларни яраштириш чораларини кўриш мақсадида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда туман Оила ва хотин-қизлар бўлими, туман прокуратураси, туман Ички ишлар бўлими, туман ФХДЁ ходимлари ҳамда диний соҳа вакиллари жалб қилган ҳолда ажрим ёқасига келиб қолган, ўзаро низоли бўлган 22 та оила билан суҳбатлар ташкил этилиб, уларнинг мавжуд муаммолари муҳокама қилинди.

Ҳар бир оила билан ўтказилган суҳбатлар давомида катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган нуронийлар, диний соҳа ходимлари ҳамда ҳуқуқшунослар томонидан ажрашишнинг диний, дунёвий ва ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида тушунтиришлар берилди. Оилаларнинг бир қанчаси шу ернинг ўзида яраштириш чоралари кўрилган бўлса, айрим оилаларни ярашиш бўйича муддатлар белгиланди.

Яраштириш ишларини олиб бориш, оилалар билан манзилли ишлаш бўйича маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига тегишли вазифалар юкланди.